

Таъзия

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



ISLOM.UZ

14:11 / 31.08.2019 1510

Бугун, 31 август куни бомдод намозидан сўнг Мадинаи Мунаввара шаҳрида замонамизнинг машҳур алломаларидан бири, фазилатли шайх Муҳаммад Аввоманинг ўғиллари, етук олим Абдуллоҳ Аввома фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ҳамда Ислом.уз портали ижодий жамоаси ўзбек халқи ва диёримиз мусулмонлари номидан ушбу муносабат билан фазилатли шайх Муҳаммад Аввома ҳазратларига ҳамда марҳумнинг барча яқинларига чуқур ва самимий таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ таоло бу олим биродаримизнинг ота-онаси, аҳли байти ҳамда барча ёру биродарларига сабру жамил ато этсин, тортган дардларини каффорат айлаб, жамики солиҳ амаллари, садақаи жориялари ҳамда манфаатли илмларини ўзларига ҳамроҳ қилсин.

Аллоҳ таоло барча ўтган мўмин-мусулмонларимиз қатори Абдуллоҳ Аввома ҳазратларини ҳам Ўзининг раҳмати ва мағфиратига олсин!

«Сабрлиларга хушxabар беринги, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил!